Ушбу сонда:
2 ИШСИЗЛИК МУАММОСИ Мирзоободда қандай ҳал этилаяпти?
3 ВАТАН МАРД ЎҒЛОНЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ
4 ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 12 апрел, шанба № 59 (1484)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



«Дон халқ ризқи» ҳиссадорлик жамияти ўзининг сифатли маҳсулотлари билан харидорлар назарига тушган. Шу боис, унинг истеъмолчилари кундан-кунга ортиб бормоқда. Шаҳрисабз туманида фаолият кўрсатаётган ушбу жамиятнинг ишга тушганига 7 йил тўлди. 1996 йилда унинг биринчи навбати, 2002 йилда эса иккинчи навбати ишга туширилган эди.

Замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланган корхонада бир суткада 150 тонна дон қайта ишланади. 220 нафар ишчи меҳнат қилаётган ҳиссадорлик жамиятида ун ва ун маҳсулотлари тайёрланмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилаяпти.

Суратларда: «Дон халқ ризқи» ҳиссадорлик жамиятидан лавҳалар.

Рўзимат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҒАЛЛА БОШОҚЛАЙ БОШЛАДИ

Сурхондарёлик ғаллакорлар бу йил 101 минг гектар майдонда деҳқончилик қиляпти. Ўтган йилнинг кузида барака уруғи сепиб, бир текис кўчат ундириб олган деҳқонлар парваришга эътиборни кучайтирмоқда. Ҳозирда экинни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш ишлари бажариляпти.

Вилоятнинг Жарқўрғон, Термиз, Ангор, Музработ туманларида ғалла бир текис найчалаб, бошоқ торта бошлади. Айниқса, фермер хўжаликлари далаларида етиштирилаётган буғдой ривожи кўзни қувонтиради. Биргина шу далилнинг ўзи ҳам мулкка эгалик деҳқончилик истиқболида катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

(ЎзА).

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

11 апрел куни «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма ўртасидаги музокаралар давом этди.

Президентлар Ўзбекистон-Украина муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида фикр алмашди. Жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини ошириш масалаларини муҳокама қилди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 350 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Президентларнинг ташаббуси билан бу кўрсаткични кўтариш учун янги имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, давлатларимиз раҳбарларининг келишувига биноан, кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг таркиби янгиланиб, шу йил январ ойида Киевда унинг мажлиси ўтказилди. Комиссия аъзолари биргаликда муайян масалаларга аниқ ва фойдали ечим топиш билан шуғулланмоқда.

«Дўрмон»даги музокаралар чоғида халқаро тузилмалар доирасида ҳамкорлик масалаларига, жумладан, МДҲ доирасидаги жараёнларга ҳам эътибор қаратилди. Томонлар, шунингдек, муҳим халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олди. Президентлар Ироқдаги вазиятни муҳокама қилар экан, ҳарбий ҳаракатлар имкон қадар тез ниҳоясига етиб, мамлакатда демократия тамойилларига мос янги жамиятни шакллантириш, халқ хўжалигида тикланиш ишларини амалга ошириш бошланишининг тарафдори эканлигини билдирди.

Учрашувда хавфсизлик борасида, яъни барқарорликка таҳдид соладиган халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув ниҳоясида музокаралар самимий ва дўстона руҳда ўтгани, томонлар кўтарилган барча масалалар бўйича якдил фикрда эканлиги таъкидланди.

Шу билан Украина Президентининг мамлакатимизга амалий ташрифи якунланди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:
ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Навоий кон-металлургия комбинати Украина Республикасидаги бир қанча йирик корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган йили Украина ва Навоий вилояти саноат корхоналари ўртасида 28 миллион 358 минг АҚШ доллари миқдорида ташқи савдо айланмаси амалга оширилди. Бу 2001 йилга нисбатан 14,2 фоиз кўп демакдир.

Навоийликлар Украинага пахта толаси, техника ва асбоб-ускуналар экспорт қилган бўлса, у ердан кимёвий маҳсулотлар, қора ва рангли металл, машинасозлик ускуналари ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинди. Шу йилнинг биринчи чорагида қарийб олти миллион долларлик ташқи савдо алоқалари амалга оширилди.

Икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини Навоий шаҳрида тўрт йил муқаддам иш бошлаган «Навоийпожмашина» қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Навоий кон-металлургия комбинати қошида иш бошлаган мазкур қўшма корхонага Украина тарафидан Прилуки шаҳридаги «Пожмашина» ва Чернигов шаҳар инструментал заводлари таъсисчилик қилмоқда. Қўшма корхона комбинатнинг Навоий машинасозлик заводи ҳудудида жойлашган бўлиб, ҳамкорлар томонидан етказиб берилган бутловчи қисмлар шу ерда йиғилиб, тайёр машина ҳолига келтирилади. Корхонада ЗИЛ-130 ва ЗИЛ-131 русумли ёнғинга қарши автомашиналар йиғилади ва эскилари таъмирланади.

Шу кунгача Навоий, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Мудофаа вазирлиги, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекистон темирйўллари» компанияси тизимидаги корхоналарга ана шундай машиналар буюртма асосида етказиб берилди.

- Айни кунларда украиналик ҳамкорларимиз Навоийга келган,- дейди қўшма корхона раҳбари Владимир Иванович Гуцал. - Биз улар билан биргаликда ёнғинга қарши машинанинг ҳозирги замон талабига мос турини ишлаб чиқариш билан бирга, ўт ўчиргич ва газдан сақловчи ниқобларни ҳам шу ерда ишлаб чиқаришни келишиб оляпмиз. Бу йил маҳсулот сифатини ошириш ва буюртмачилар сафини кенгайтириш ҳисобига уч юз миллион сўмликдан зиёд даромад қилишни режалаштириб турибмиз.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири.

АЛМАШУВ НОТАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Япония ҳукуматининг 2003 молиявий йилда «Ҳамширалар таълими тизимини яхшилаш» лойиҳаси бўйича алмашув нималари имзоланди.

Мазкур лойиҳа Кунчиқар мамлакатнинг юртимизга кўрсатаётган беғараз молиявий кўмаги доирасида амалга оширилмоқда. Унинг умумий миқдори 292 миллион япон иенини ташкил этади.

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича Япония томонидан учта лойиҳа ҳаётга жорий этилган. Ҳамширалар таълими учун грантлар ажратишни кўзда тутувчи бундай лойиҳа эса илк бор амалга оширилмоқда. Ундан кўзланган мақсад тиббий таълимни яхшилаш ва шу орқали соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришдан иборат. Лойиҳада 59 тиббиёт муассасаси учун асбоб-ускуна ва жиҳозлар тақдим этиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ҳамда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато имзолади.

(ЎзА).

МУРУВВАТ

Ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш, уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизнинг азалий одатларидан биридир. Обод маҳалла йилида бу саховатли ишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманида кам таъминланган оилалар фарзандлари, ота-онасидан ажралган болаларга мурувват ёрдами кўрсатилди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказган бу тадбирда 151 нафар болага қарийб 3 миллион сўмлик кийим-бош тарқатилди.

МАҲАЛЛА КУНИ

Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар сешанбаси маҳалла куни деб эълон қилинди. Бу кунда ҳоким бошчилигидаги мутахассислар жойларга чиқиб, туман маҳаллалари аҳолиси билан учрашувлар ўтказмоқда.

Ойим, Абдуллабий, Бештол, Гулистон ва бошқа маҳаллаларда ўтказилган бундай учрашувлар ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Маҳалла кунларини йил давомида ўтказишга қарор қилинди.

(ЎзА).

Саховат

«МЕҲРЖОН»ДА МЕҲР УЛАШИЛДИ

Доираю дўмбиранинг ўйноқи оҳанглари таралади. Юз-кўзидан нур ёғилиб турган момолар куйлаётган ялла ва лапарлар шаддод қизжувонларни, ўсмир-ёшларни ўйин-кулгуга чорлайди. Дошқозондаги сумалак тафти даврага иликлик олиб киради, одамлар қалбига меҳр-муҳаббат бўлиб сингади, гўё. Ҳалим, кўк сомса каби баҳорий таомлар билан безанган тўкин дастурхон атрофида қўр тўкиб ўтирган кексалар қўли дуода.

Таъриф этганимиз бу ажиб манзара Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 18-мавзеда жойлашган «Меҳржон» маҳалла аҳли ҳаётидан бир лавҳа, холос. Зеро, бу ерда ўн бешга яқин миллат вакилларидан иборат 4350 нафар киши худди бир оила фарзандларидек аҳиллиқда, иноқликда турмуш кечираётирлар. Маҳалла аҳли яхшиёмон кунларда бир-бирларига елкадош, ҳар қандай тадбирни бамаслаҳат ўтказишади. Албатта, бу ишларга оқсоқол Ҳасанбой ака Аматов раҳбарлигидаги маҳалла фаоллари бошқош. Улар йил бошида ҳудудда яшовчи фуқаролар турмуш шароити билан яқиндан танишиб чиқишни яхши одатга айлантиришган. Чунки шундан сўнг кам таъминланган ва кўп болали оилалар, якка-ёлғиз қариялар, нафақахўрлар ҳамда ногиронларни моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш шароитини яхшилаш тўғрисида тадбирлар режаси тузилиб, амалга ошириш чоралари кўрилади. Масалан, ўтган йили кам таъминланган оилаларга 1 миллион 225 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Ўзгалар парваришига муҳтож, якка-ёлғиз етти нафар нафақахўрга турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Шу билан бирга Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрамларида нуронийларга хайр-саховат кўрсатилди. Икки ёшгача фарзанди бор оилаларга 2 миллион 553 минг сўм, 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга 593 минг сўмга яқин нафақа пули тайинланди.

Жорий йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши «Меҳржон»ликларни ғоятда руҳлантириб юборди. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида олдиндан тузилган режа асосида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Кўп қаватли уйлар, маиший хизмат шохобчалари атрофлари тозаланиб, минг тупга яқин гул, етти юз тупга яқин дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу тадбирларда барча фуқаролар фаол қатнашдилар.

– Фуқароларимиз, айниқса, Умумхалқ ҳашарида катта кўтаринкилик, зўр иштиёқ билан иштирок этишди. Натижада катта ҳажмдаги тозалик, ободонлаштириш ишларини бажаришга эришдик, – дейди маҳалла оқсоқоли Ҳасанбой Аматов. – Бундан ташқари, ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратяпмиз. Мисол учун, амалдаги йилнинг биринчи чораги мобайнида Надежда Кудрицкая, Машҳура Набиева, Иван Жос, Мавлуда Аҳмедова сингари 12 нафар кексаларимизга моддий кўмак берилди. Қадим миллий байрамимиз – Наврўзи оламда эса 20 та кам таъминланган оилага совға-саломлар улашдик.

Ёшлар – келажагимиз, эртанги порлоқ кунимиз соҳибларидир. Бинобарин, мамлакатимизда ёш авлоднинг жисман бақувват, руҳан баркамол бўлиб вояга етиши йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай ғоятда масъулиятли ишга мазкур фуқаролар йиғинида ҳам муҳим вазифа сифатида ёндошилмоқда. Кўпни кўрган нуронийлар, таниқли мураббий-устозлар, ички ишлар органлари ходимлари иштирокида мунтазам равишда ўтказилаётган ҳар хил мавзулардаги турли давра суҳбатлари, учрашувлар ёшларда, айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинининг милиция-таянч пункти профилактика инспекторлари Баҳодир Пайзиев, Даврон Болтабоевлар билан ҳамкорликда олиб бораётган тарбиявий-ҳуқуқий ишлари ҳам вояга етмаганлар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда самарали ўрин тутмоқда. Шу боис жорий йилда жиноятлар сони сезиларли даражада камайди.

Оила, хонадонлар тинч бўлса, юрт осойишта. Маҳаллақўм котиби Олимбек Бегалиевнинг таъкидлашича, фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган яраштирув ҳамда ёш оилалар билан ишлаш комиссияларининг самарали иш олиб бориши ҳам ўзининг ижобий мевасини бераяпти. Чунончи, 2003 йил давомида ҳали биронта оилада ҳам ажрашишдек нохуш ҳол кузатилмади. Бунда Раиса Рудяк, Васила Хонкелдиева, Юнус Зарипов, Раҳима Одилова, Муҳаббат Абдураимов, Бобур Аматов сингари фаолларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

...Маҳалла аҳли сумалак баҳона эрта тонггача хушчақчақликда, бир-бирларига ўзаро меҳр-муҳаббат-ла муносабатда бўлдилар. Эрта тонгда эса энг аввало, қариялар, ногиронларга, кўнгли ўксик болажонларга илоҳий неъмат саналмиш сумалак, сумалак ила меҳр-муҳаббат улашилди.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ - МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТАЯНЧИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» асарини кенг жамоатчилик, айниқса, ҳарбий хизматчилар ўртасида тарғиб қилиш, ўрганиш мақсадида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Миллий армия - мустақиллигимиз таянчи» мавзуида учрашув ташкил этди. Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда уюштирилган мазкур тадбирда ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлмиш армиямизнинг ҳар жиҳатдан қудрати ошиб бораётгани, ҳарбийларимиз энг замонавий қурол-яроғларни моҳирона бошқариш маҳоратини пухта эгаллаб, нафақат жисмонан бақувват, балки ақл-заковати, интеллектуал салоҳият ва маънавиятини ҳам юксалтираётганини таъкидлади.

(ЎзА).

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ
у ишчига нима беради?

Меҳнат Кодексида иш берувчи ва ишчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Аммо ишга кираётганларнинг аксарияти ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ биладилар, деб айта олмаймиз.Бинобарин, шу сабаб ҳам баъзи ҳолларда ишга қабул қилиш, вазифа белгилашнинг оғзаки тарзда амалга оширилаётганлиги бу борада қатор муаммоларни келтириб чиқариши аниқ. Масалан, вилоятимиздаги фермер хўжаликларида ишловчи 7422 нафар киши меҳнат шартномасисиз фаолият юритиб келмоқда. 3693 нафар ишчини фермерлар буйруқсиз ишга қабул қилишган. 3015 нафарига эса иш берувчилар томонидан меҳнат дафтарчалари очилмаган. Кўриниб турибдики, ходим манфаатини қонунийлаштириш, уларни ижтимоий муҳофазалашда сансалорликларга йўл қўйилмоқда.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Хўш, ҳужжатларда акс этмаган бу ишчилар иш ҳақидан ажратмалар қай тарзда ушлаб қолинаяпти? Бу савол ҳам мавҳумлигича қолаяпти. Ахир фаолиятимизни қонунлар доирасида ташкил этмасак, ортиқча ташвишлар, асаббузарликларга дуч келишимиз аниқ. Устига-устак ишловчилар билан тузилган меҳнат шартномаларининг аксарияти қонун талабларига жавоб бермаслиги ачинарлидир.

Меҳнат муҳофазаси кафолатланмас экан, хавфсиз иш ўрни ҳақидаги сафсаталар пуч бўлиб қолаверади. Таассуфки, аксарият фермер хўжаликлари раҳбарлари меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қонун-қоидаларига амал қилишни унутишаяпти. Хусусан, Меҳнат Кодексининг 215-моддаси талаби асосида иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва ўқитиш талаби ҳам тўлиқ бажарилмасдан қолмоқда. Мониторинг асосида ўрганилган 980 та фермер хўжалигида техника хавфсизлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаган.

Муҳаммаджон АБДУРАҲМОНОВ, Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси давлат меҳнат-ҳуқуқи инспектори.

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Замин» давлат акционерлик ипотека банки мижозлар билан ишлашнинг янги шаклини жорий этмоқда. У банкротликка учраган давлат корхоналари ўрнида ташкил этилган хусусий тузилмаларнинг инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда ва молияламоқда.

Илк натижалар янгиликнинг самарали эканлигини кўрсатди. Жумладан, «Самарқанд-парранда» ўрнида очилган «Мароқанд-парранда» фирмасининг лойиҳаси босқичма-босқич молияланмоқда. Лойиҳани амалга ошириш учун 200 миллион сўм ажратилган. Тўхтаб қолган корхона қайта ишга тушди, қарийб 200 киши иш билан таъминланди. Қашқадарёдаги «Чилонзор» хусусий тузилмаси билан ҳам шундай ҳолат. Бу фирма банкротликка учраган «Қарши-парранда»нинг 400 минг товуқ боқишга мўлжалланган паррандачилик фермасини сотиб олди ва ёрдам сўраб банк мутахассисларига мурожаат қилди. Пухта бизнес-режа ва ҳисоб-китоблар лойиҳанинг истиқболли эканлигини кўрсатди. Ҳозирдаёқ унинг биринчи босқичи учун 50 миллион сўм ажратилди, 40 дан ортиқ киши иш билан таъминланди.

- Кичик ва ўрта бизнес субъектлари бизнинг асосий ҳамкорларимиздир,- дейди банкнинг активлар ва пассивлар бошқармаси бошлиги Саидакмал Хўжаев. - Кредитларнинг кўпчилигини иқтисодиётнинг реал тармоғига йўналтирилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ташкил этади. Бу мақсадда банк бюджетдан ташқари жамғармалар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси, Бизнес-фонд, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳузуридаги жамғарма ва бошқалар бор.

(ЎзА).

2003 йил — Обод маҳалла йили

БАЛИҚЧИДА ЯНГИ ГУЗАРЛАР

Обод маҳалла йили муносабати билан Балиқчи туманида ҳам кўплаб эзгу ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бугунги кунда туман ҳудудида 60 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчасига ҳокимият томонидан янги бинолар ажратилди. Кенг миқёсда ободончилик, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Бир қанча гузарлар барпо этилмоқда. Булоқбоши, Мамаюсуф гузарлари ана шулар жумласидан.

Бу жойларда аҳоли учун зарур бўлган чойхона, қассобхона, сартарошхона ва бошқа шу каби турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш юритмоқда. Шуни таъкидлаш ўринлики, туманда йил давомида ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Асосий йўлларнинг икки четига турли хил дарахт кўчатлари, гуллар экилиб, ўзгача манзара кашф этилмоқда. Бу иш аҳолининг бевосита саъй-ҳаракати ҳамда хўжалик ва ташкилотлар иштирокида олиб борилаётир. Махсус иссиқхоналарда гул кўчатлари етиштирилмоқда. «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» кўрик-танловининг ўтган йилги натижаларига кўра Балиқчи тумани вакиллари I-ўринга сазовор бўлишгани ҳам бежиз эмас.

Маҳалла фуқаролар йиғини милиция таянч пунктлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айни пайтда туман ҳудудида 18 та милиция таянч пункти мавжуд. Уларга котиба, педагог-тарбиячи ва посбонлар кўмак беришаётир.

Туманда 248 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳамма жойда бўлганидек, Балиқчида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш долзарб масалалардан бири. Уни бартараф этишда ҳокимлик, прокуратура, меҳнат биржаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги кунда 1 та қўшма корхона, 2 та фабрика, пахта тозалаш заводи, 8 та пахта пункти ва кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бир пайтлар юксак салоҳиятга эга бўлган, лекин банкротлик ҳолатига тушиб қолган парандачилик фабрикасининг бир қисми тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати туфайли ишга туширилди. Ҳозирда бу ерда 7,5 мингта парранда боқилаётган бўлиб, 50 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишга туширилгандан сўнг яна ўнлаб иш ўринлари яратилади.

Туманда 3 та касб-ҳунар коллежи, 2 та гимназия, 1 та лицей, 52 та умумтаълим мактаби, шунингдек, махсус мактаб-интернат мавжуд. Уларда минглаб нафар келажагимиз эгалари билим олишаётир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида ҳам ишлар талаб даражасида ташкил этилган. 2 та марказий касалхона, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида қишлоқ тиббий пунктлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Болалар спортини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётган бўлиб, бу борада дастлабки ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Ташкил этилаётган мусобақалар натижасида бир қанча спортчи оилалар кашф этилди. Жумладан, Донирбек Раҳмонов оилавий жамоаси енгил атлетика бўйича ўтказилган вилоят биринчилигида бош совринни қўлга киритди ва вилоят «Маҳалла» жамғармасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Шоҳмот,шашка, енгил атлетика, стол тенниси, арқон тортиш каби спорт турлари бўйича «Биз спортчилар оиласи» оилавий турнири мунтазам равишда ўтказилмоқда.

— Туманда кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза этиш борасида белгиланган дастур асосида иш олиб борилаётир, – дейди «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Фарҳод Жамолов. – Аниқланган маълумотларга кўра, ана шундай 513 та оила мавжуд. Уларга жорий йилнинг I-чорагида 6 миллион 333 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Йил давомида эса жами 31 миллион 480 минг сўм маблағ моддий кўмак сифатида берилиши мўлжалланган. Бундан ташқари, 2 ёшгача боласи бор оилалар ва 16 ёшгача нафақа олувчиларга жами 311 миллион 160 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Туман ҳокимлиги томонидан тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Унга кўра, тўй ва маросимлар аҳолининг моддий имкониятидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғини иштирокида қатъий тартиб асосида ўтказилади.

Яқинда ташкил этилган шанбаликда барча аҳоли иштирок этиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилди. Ишлаб топилган маблағ хайрия тадбирларига, спорт иншоотларини барпо этишга сарфланади. Ҳашар йўли ва саховатпешалар мадади билан «Маслаҳат» гузари қурилиши жадал олиб борилаяпти. Тадбиркор ҳомийлар ёрдамида кўп йиллар давомида эътибордан четда қолиб келаётган «Теракмозор» зиёратгоҳида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Одил ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

Бойсуннинг Дашиғози қишлоғи томон йўлингиз тушганми? Бугун ана шу қишлоқ чароғонлик оғушида. Хўжалик марказига боргунча, асфальт йўл бўйлаб тортилган симёғочларда электр чироқлари порлаб турибди. Бунга ҳали кўп бўлгани йўқ. Йўлларни қайта таъмирлаш, янгидан тошдеворлар бунёд этиш, гулхоналар ташкил қилиш - хўжалик маъмуриятининг бир-икки ойда амалга оширган ишларидир.

Ўтган йилдан деҳқоннинг кўнгли тўлди. Айниқса, чорвадор халқи кўп суюнди. Ахир, миришкорнинг ҳам, чўпоннинг ҳам ризқрўзи ердан. Кейинги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари, хўжалик касаба уюшмасининг жамоа аъзоларига моддий жиҳатдан кўрсатаётган ғамхўрлигининг бариси қут-бараканинг ҳосиласидир.

2002 йилда «Бойсун» ширкат хўжалиги яна оёқ тиклади. Галла, пахта, пилла, тўл, жун ишлаб чиқариш режалари ошириб бажарилди. Галладан энг юқори кўрсаткич, пахта тайёрлаш борасида нафақат воҳада, республикада биринчи бўлинди. Галладан, пахтачиликдан келган даромад меҳнат аҳлига роҳат бахш этди. Айниқса, ишчи-хизматчиларга ҳар томонлама қулайлик яратишда хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси доимий ҳаракатда. Иш жойларида етарли шароитлар яратиш, мавсумий, ётиб ишловчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида доимо ғамхўр. Хўжалик ҳудудида яшовчи кам таъминланган 20 та оиланинг фарзандларига ўтган йили оромгоҳларга йўлланма берилди. Ширкат аъзоларига 3,5 миллион сўмга яқин дивидент пули тарқатилди.

Деҳқонларни ҳам, чорвадорларни ҳам ўтган йилги кайфият ҳали тарк этган эмас. Айни чоғда улар қувониб, меҳнатлари самоғидан завқланиб, ишламоқдалар. 60 гектарлик чигит экиладиган майдонларга ўз вақтида сараланган уруғ ташланди. Кузда 390 гектар сувли, 2200 гектар лалми майдонларга барака уруғи сепилган эди. Бугунги кунда майсалари бошоқлай, деб қолди. Бу ижарачи деҳқонларнинг ерни ўз вақтида минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирганлигидандир. Ўрим техникалари эса туман машина-трактор паркида таъмирдан чиқариляпти.

Чўпонлар эса тўл олиш мавсумини якунлаш арафасида. Жорий йилда 75 нафар оилавий пудратчи ўзларига ишониб топширилган чорва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш, туёқ сонини кўпайтириш учун ҳаракат қилмоқда. Мавжуд 7000 бош ҳисори она қўй ҳамда 8510 бош эчкидан қўзиулоқ олиш режаси бажарилай, деб қолди. Бугунгача 30 нафардан ортиқ пудратчилар тўл мавсумига якун ясадилар. Президент Фармони билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган донгдор чўпон Равшан Эшбоев чорвадорлар ўртасидаги беллашувда пешқадам бўлди. Жўра Болтаев, Бойтўра Тўлаганов, Усмон Тошбоев сингари чўпонлар ҳам шартнома шартларини бажариб, юзлари ёруғ бўлди.

Албатта, ишнинг олға силжишида саркорлик муҳим рол ўйнайди. Бошқарув раиси Бекқул Тошбоевнинг хўжаликка раҳбарлик қилаётганига ҳам 8 йилдан ошди. Ўта вазмин, камтар ва камгап кўрингани билан чўрткесар, айтган жойини кесадиган, тартиб-интизомни хушлайдиган, ишнинг ўз вақтида бажарилишини ёқтирадиган раҳбарлардан. «Халқимизнинг тўй-томошаси кўпайса, юртимиз тинч-осойишта бўлиб, ишимиз юришаверса, ниятимиз ижобат бўлгани шу», дейди раис.

Алишер РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Тошкент вилояти Қибрай туманида 100 ўринга мўлжалланган "Она ва бола" маркази очилди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, ҳокимлик ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

- Янги марказнинг очилиши туман аҳолиси ва тиббиёт ходимларининг орзуси эди, - деди Қибрай туман ҳокими Шарифхўжа Тошхўжаев "Туркистон-пресс" мухбирига. —Туманда бир кунда саккиз нафар, бир йилда уч минг чақалоқ дунёга келади. Албатта оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишлари, шифокор ва ҳамшираларнинг қулай шароитда меҳнат қилишлари учун ҳам шундай иншоотга эҳтиёж бор эди.

Ш.Тошхўжаевнинг таъкидлашича, туман марказидаги ташландиқ ҳолда ётган болалар боғчаси биноси ҳокимлик ташаббуси билан таъмирланди. Хайрли ишга ширкатлар раҳбарлари ва тадбиркорлар жалб этилди. Шу тариқа 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, техник жиҳозлар билан таъминланган туғруқ маркази фойдаланишга топширилди. Мазкур марказ бир пайтнинг ўзида 100 она ва 50 болага хизмат кўрсатади.

Маросим иштирокчилари марказ билан танишиш жараёнида жарроҳлик бўлими, ошхона ва хизмат кўрсатиш хоналарини кўздан кечиришди. Марказга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Дамас» автомашинаси берилди.

"Туркистон-пресс".

«Бандлик» дастури-амалда

Туманда ер ресурслари тўла-тўкис мулкдорлар қўлига ўтгач, одамларнинг муайян қисмини иш билан таъминлаш зарурати туғилди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучлари қаердан қўним топади? Бу муаммони бартараф этиш, аҳолининг бандлик даражасини таъминлаш асосий вазифалардан бирига айланди.

ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

Мирзаободда қандай ҳал этилаяпти?

Тўғри фермер хўжаликларида шартнома асосида ишга жалб этилганлар оз эмас. Аммо мулк эгалари ҳам ҳар бир сўмни тежаш, ортиқча сарф-харажатларга ўрин қолдирмаслик пайида бўлишяпти. Бундай чоғда туман ва саноат гуркираётган шаҳар корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадга мос келиши мумкин. Шундай ҳам бўлди. Гулистон ва Мирзаобод меҳнат бўлимлари икки марта қўшма меҳнат бозорини ташкил этишди. Ишчи кучига талабгорлар кўплаб топилди. Иш ахтарувчиларнинг аксарияти доимий иш жойларига эга бўлишди.

— Фуқароларни ижтимоий муҳофазалашнинг энг афзал йўли иш билан таъминлашдир, – дейди туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Сафар Қодиров. – Туманимизда ишсизликни камайтиришнинг барча чора-тадбирлари кўрилаяпти. Ортиқча ишчи кучлари ишлаб-чиқариш корхоналари, хусусий секторларга тортилаяпти.

Наврўз қўрғонидаги навбатдаги «Бўш иш ўринлари ва замонавий лавозимлар ярмаркаси»га тумандаги 18 та, шаҳардан эса 8 та ташкилот ва корхона жалб этилди. Иш ахтарувчиларга ташкилотлардан бўш вазифалар, ходим бажарадиган юмуш ва шароит ҳақида тўла тасаввур уйғотиш имкони яратиб берилди. Меҳнат ярмаркасида иштирок этган ташкилот ва корхоналар иқтисодий салоҳияти, ишлаб-чиқариш қуввати, тўланадиган иш ҳақлари жадваллари акс эттирилган кўргазма ташкил этилди. Бу эса иш изловчиларга бир қатор қулайликлар туғдирди. Кўпчилик эътибори «Шарофат шамс» хусусий корхонасида тайёрланган маҳсулотларга қаратилди. Қишлоқ аёлларининг ҳар бири бу ҳунарни эгаллаши, ундан муайян даромад олиши мумкин эканлигини, тадбиркор Дилбар Охунова қисқа-лўнда тушунтириб берди. Бундан уч ой илгари 3 нафар киши билан иш бошлаган тадбиркор бугун 20 нафар кишини иш билан таъминлашга эришган. Айни пайтда ўқитиш-ўргатиш орқали яна ўн бир нафар аёл иш бошлаш арафасида турибди. Зардўзлик, тикувчилик сир-асрорларини ўрганиш истагида бўлган ишсизлар меҳнат бўлими орқали бепул таълим олиб қолмасдан стипендия билан ҳам таъминланиб турилди.

— Меҳнат ярмаркасида илк бора иштирок этишимиз, – дейди туман умумтаълим овқатланиш корхонаси раҳбари Нодир Отаев. – Бизга ҳам тажрибали ошпаз, новвой ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш усталари зарур.Бу соҳадан хабардор ишчиларни ишга олиш ниятимиз бор.

Шу куни рўйхатга олинган 37 нафар ишсиз фуқаронинг 23 нафари корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. 14 нафар фуқаро касбга қайта тайёрлаш курсларига юборилди. Ярмаркада фаол иштирок этган ташкилотлар эса рағбатлантирилди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

"Заковат" жамғармаси қишлоқ маҳаллаларини инфратузилмасини яхшилаш ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида янги иш ўринларини барпо этиш бўйича жами қиймати 17 миллион долларлик лойиҳани амалга оширишга киришди.

17 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА

Лойиҳа қишлоқда турмуш тарзини яхшилаш, вилоятлар аҳолиси ўртасида ишсизликни камайтиришни, сув, газ энергия таъминотига ёрдам кўрсатишини, шунингдек экологик вазиятни яхшилашни кўзда тутади, - деди жамғарманинг халқаро мувофиқлаштирувчиси Волфган Шрайбер "Туркистон-пресс" мухбирига. - У маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва коммунал хизмат соҳасида ишлаётган кичик ва ўрта корхоналар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

В. Шрайбернинг маълум қилишича, сув таъминотини яхшилаш ва кичик электростанцияларни ишлатиш учун 9 миллион доллар миқдоридаги ускуналарни Германиянинг қувур, сув босими насослари ишлаб чиқарувчи STEINERT INDUSTRIES, HOBAS-TAPO, GRUNDFOS компаниялари, шунингдек қуёш батареялари ишлаб чиқарувчи RWE Sshott Solar фирмаси етказиб беради.

Жамғарма мувофиқлаштирувчисининг таъкидлашича, лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш мақсадида, ҳамкор сифатида халқ университетлари немис уюшмаси халқаро ҳамкорлик бўйича институти ваколатхонаси IIZ/DVV жалб этилди. У билан биргаликда иш билан банд бўлмаган одамларни олти ойлик ўқиши ташкил этилди.

КОРЕЙС ТИЛИ КУРСЛАРИ

Андижонда "Сечжон хан гид" корейс тил ва маданият маркази тузилди. Марказ билан Тошкент Давлат шарқшунослик институти яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Янги марказда машғулотларни Тошкент давлат шарқшунослик институти корейс тили факултети мутахассислари ва олимлари олиб бормоқда. Уларга профессор Ким Мун Ук раҳбарлик қилаётир. Дарслар илғор технологиялар, жумладан видео ва аудио техникалардан фойдаланган ҳолда ўтилади. Бундан ташқари, ўқув дастурига психология, этика, ҳуқуқшунослик, меҳнат хавфсизлиги ва тиббиёт бўйича алоҳида машғулотлар киритилган.

Марказ ходимлари маҳаллий меҳнат ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлимлари ёрдами билан вилоятдаги ишга лаёқатли кишилар ўртасида ижтимоий сўровнома ўтказди. Натижада корейс тилини 60 соатли тезкор ўрганиш дастури бўйича курсларни жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлди. Ёшларнинг бунга қизиқишларининг сабабларидан бири Корея республикасида шартнома бўйича ишлаш имкониятини қўлга киритишдир.

Айни пайтда шартномачилар ва уларнинг ота-оналари истагини инобатга олган ҳолда вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда мазкур курс бўлимлари очилмоқда.

Марғилон азалдан уста ҳунармандлар, косибу чеварлар шаҳри сифатида донг таратган.

Айниқса, Марғилон атласининг минг бир жилоси бутун Шарқ аёлларининг эгнида ял-ял товланади. Шаҳарнинг Ўрдатаги маҳалласида истиқомат қилаётган моҳир чевар Матлуба Турғунова ўз хонадонида уста-шогирд мактабини «Ҳунарманд уюшмаси» қошида ташкил қилди. Ҳозирда ушбу уста-шогирд тикувчилик устахонаси кўплаб моҳир чеварларни ўзига бирлаштирган.

Матлубанинг асосий машғулоти атлас, адрас ва шойидан турли замонавий миллий кийимлар ва безаклар тайёрлашдир. Шунингдек, у шогирдларига чеварчилик сир-асрорларидан сабоқ бериб келмоқда.

Суратда: Матлуба Турғунова шогирди Камола Фофурова билан

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ДЕФЕКТОЛОГ ПЕДАГОГЛАР АНЖУМАНИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг умумий ўрта таълим мактабларида интеграция асосида таълим олишини ташкил этишнинг асосий муаммоларига бағишланган илмий-методик семинар ўтказилди. Унда ана шу соҳада фаолият кўрсатаётган олимлар, мутахассис педагоглар иштирок этди..

Ҳаётда тўрт мучали соғ инсонлар қаторида алоҳида эътиборга муҳтож, имконияти чекланган кишилар ҳам борки, улар ҳам бошқалар эга бўлган барча ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидирлар. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бундан 25 йил муқаддам ташкил этилган ва Марказий Осиёда ягона бўлган бошланғич таълим ва дефектология факултети худди шундай алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларга таълим берувчи педагоглар тайёрлайди. Бугунги кунда республикамиздаги 740 та махсус интернат ва боғчаларда 20 мингдан ортиқ турли даражадаги ногирон болалар таълим олади.

"Туркистон-пресс".

«Ишонч» фош этади

СОЛИҚЧИЛАР НЕГА МУЛЗАМ БЎЛДИ?

Данғаралик фермер Улуғбек Чинбердиев банкда ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг ҳаракатини кўздан ўтказиб ўтирарди. 2002 йил 30 апрелдаги 5012-сонли мажбурий тўлов топшириқномасини кўриб боши қотди. Унда давлат солиқ инспекцияси ҳисобига «Мумтозмаҳал Чинбердиев» фермер хўжалигидан ер солиғи учун 21600 сўм ундириб олинганлиги қайд қилинганди.

Улуғбекнинг ўйланишига сабаб бор эди. Фермерлик туман ҳокимининг 2001 йил 12 январ кунги қарори билан расмийлаштирилган, амалдаги қонунлар бўйича 2 йиллик ер солиғи тўловидан озод этилганди.

Бу ҳақда фермер туман солиқ идораси мутасаддиларига маълум қилди. Аммо бу ерда тадбиркорнинг эътирозларини инобатга оладиган, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган инсон топилмади. Солиқчилардан жабрланганлар биргина Улуғбек эмас. Янги ташкил топган «Ваҳобжон ота» фермер хўжалигига тегишли 34100 сўм, «Лочин» фермер хўжалигига тегишли 17050 сўм пул маблағлари ноқонуний йўл билан солиқ идораси ҳисоб-рақамига кўчирилганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги фермер хўжаликлари бошлиқлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб Фарғона вилоят адлия бошқармасига мурожаатнома йўлладилар.

Адлия бошқармаси вакили А.Мамадалиев суриштирув ишларини бошлаб юборди. Иш жараёнида Данғара туман солиқ инспекцияси бошлиғи Иномжон Саидхўжаев, ходимлар Рустамжон Қурбонов ҳамда Алишер Турғунбоевларнинг қонунни четлаб ўтганликлари аён бўлди. 3 та фермер хўжалиги ноқонуний равишда солиққа тортилган бўлиб чиқди.

«Иш қолипдан кўчгач» солиқчилар бошқача йўл тутдилар. Фермерлардан қонунга зид ундирилган ер солиғини кейинги йилларга суриш ҳақида ариза ёздириб олдилар. Аммо, қарангки, баённомани расмийлаштиришни унутиб қолдиришди. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг Мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига мутлақо зид эди.

Бинобарин, унда аризалар махсус китобга қайд этилиши, бажарилиши муддати ҳақида эгасига жавоб ёзилиши кўрсатилган. Лекин солиқчилар бунга амал қилишмади. Шу боис фермерлар судга мурожаат қилишга мажбур бўлишди.

Суд мажлисида И.Саидхўжаев ундирув ҳужжатларини имзолаганини тан олди. Лекин у фермерларнинг ҳеч қандай моддий зарар кўрмаганлигини таъкидлашга уринди.

Катта инспектор Алишер Турғунбоевнинг суд мажлисидаги жавоби эса ҳаммани хайратга солди. У «Солиқ Кодекси»даги тадбиркорларга бериладиган имтиёзлардан хабарсизлигини очиқ айтди. Буни нима билан изоҳлаш мумкин.

Ҳисоб-китоб таҳлили ва солиқ статистикаси бўлими мудири Рустамжон Қурбонов ҳам қонундан қочиб қутулмоқчи бўлди. У мулкдорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлиги тан олиш ўрнига, даъвонинг рад қилинишини сўраб кўрсатма берди. Иқтисодиётимиз пойдевори бўлган, бозорларимизни, тўкин дастурхонимизни маъмур қиладиган фермерларга шундай муносабатда бўлиш ислоҳотлар йўлига ғовтўғаноқ бўлишдан бошқа нарса эмас.

Қўқон туманлараро фуқаролик суди фермерларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кафолатловчи ҳал қилувчи қарор қабул қилди. Кўрилган барча моддий зарарларни айбдорлар ҳисобидан қоплаш ҳақидаги тўхтамга келинди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Оҳангарон туманидаги Қорахитой қишлоғида маҳалла аёлларини соғломлаштириш маркази иш бошлади.

«Оҳангарон» ширкат хўжалиги марказ учун бино ажратиб, уни рисоладагидек таъмирлаб, жиҳозлаб берди. АҚШнинг «Коунтерпорт консорциум» компанияси гранти билан мазкур марказга беш миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Натижада қишлоқ аёлларини тиббий кўрикдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш, тиббий муолажа - фитобардан кенг фойдаланиш имконияти яратилди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Коунтерпорт консорциум» компанияси ҳамкорликда бундай замонавий саломатлик масканларини туманнинг бошқа қишлоқларида ҳам очиш тадбирларини амалга оширмоқда.

(ЎзА).

Эр йигит эл корига ярасам, дейди. Шу боис доим унинг хизматига камарбаста. Бугун мингминглаб йигитларимиз Ватан, юрт олдидаги бурчларини адо этиш ниятида ҳарбий хизматга отланмоқда.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига чақирилаётган йигитлар ҳар жиҳатдан ўз номлари - Ватан ҳимоячиси номига муносиб бўлиши лозим, албатта. Шу жиҳатдан, бу йилги чақирув аввалгиларидан фарқ қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича бошқарма бошлиғи Роберт Маҳмудов ЎзА мухбирига ўша янгиликлар ҳақида гапириб берди.

ВАТАН МАРД ЎҒЛОНЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

- Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш доирасида мамлакат мудофаа қудратини янада такомиллаштириш, кўп сонли ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва улар ота-оналарининг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда 2002 йилнинг 12 декабрида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур Қонунни тарғиб қилиш бўйича Қорақалпоғистонда жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига Қонун моҳиятини тўла тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Қуролли Кучлар сафига чақирилувчилар билан учрашувлар ўтказиляпти. Бошқармада ҳуқуқшуносолар гуруҳи фаолият юритмоқда. Уларнинг хизмат телефонлари рақамлари барча чақириқ шохобчаларида бор бўлиб, ҳар бир йигит ёки ота-она ўзини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиши ва тегишли жавоб олиши мумкин.

Янги қонунга кўра, муддатли ҳарбий хизмат муддати қисқариб, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат тури ташкил этилмоқда. Қуролли Кучларда олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида Ўзбекистонда ихчам, яхши қуролланган ва пухта профессионал тайёргарликка эга армияни шакллантириш сари дадил қадам қўйилмоқда. Эндиликда муддатли ҳарбий хизмат вақти 12 ой қилиб белгиланди. Олий маълумотга эга бўлганлар эса тўққиз ой хизмат қилади.

Бугун биз хизматга чақираётган йигитларнинг барчаси муддатли ҳарбий хизматни ўташ истагини билдиряпти. Улар ҳарбий мутахассисликни эгаллаш, юрт тинчлигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчи эканлигини тўла ҳис этиб шундай қарорга келишмоқда. Аммо жойларда мудофаа ишлари бўйича бўлимлар орқали чақирув қоғозини олган йигитларнинг ҳаммаси ҳам муддатли ҳарбий хизматга олинмаслиги мумкин. Шу боис муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, чақириш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб қилинади. Бунда йигитлар бир ойлик ҳарбий ўқув машғулотларида чиниқиб, ҳарбий мутахассисликни эгаллайди ва лозим бўлганда Ватан ҳимоясига отланади. Улар тўлайдиган моддий маблағ эса муддатли ҳарбий хизматчилар таъминотини яхшилаш, ҳарбий ўқув машғулотларини ўтказиш, спорт анжомлари ва тренажёрлар, замонавий компьютер техникаси, ўқув материаллари, кутубхона фонди билан таъминлашга сарф қилинади.

Бугунги кунда муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинадиган чақирилувчилар тоифалари аниқланиб, рўйхати тузилмоқда. Муддатли ҳарбий хизматга тест синовлари ва профессионал танловнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда жисмоний ва ақлий жиҳатдан энг яхши тайёргарлик кўрган, тиббий кўрикдан ўтган йигитлар танлаб олинмоқда. Яқин кунларда Ватан хизматига отланган ана шу йигитларни тантанали кузатиш маросими ўтказилади.

Қуролли Кучларга бахорги чақирув даврида сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинадиган шахслар билан шартномалар тайёрланиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ватанимизнинг ҳар бир ўғлони қалб даъватига кўра ўзининг фуқаролик бурчини адо этишга шай эканлигини намоён этмоқда.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Республикамиз шифо масканларида

«ОЛТИАРИҚ» — ФАХРИЙЛАР СИҲАТГОҲИ

Кексаларга ҳурмат ва эътиборнинг юқори даражада эканлиги халқимизнинг ўзига хос фазилатларидан биридир. Ўтган йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб номлангани, фахрийлар учун алоҳида сиҳатгоҳлар барпо этилиб, узлуксиз ишлаб турганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Шундай сиҳатгоҳлардан бири бўлмиш «Олтиариқ» санаторийси Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, ўзига хос тарихга эга. Қизил тепада нефт кони борлиги тахмин қилинб, 1948 йили уни аниқлашга киришилди. Нефт изловчилар Катта Фарғона канали яқинидаги қум барханлари бағрига парма солдилар. Буни қарангки, 1756 метр чуқурликдан нефт эмас, 41 градус ҳароратли минерал сув катта куч билан отилиб чиқди. Мутахассислар афтлари буришиб, сувни татиб кўрдилар. У инсон баданини яйратиб юборарди. Сув таркиби текширилганда, фойдали минералларга ниҳоятда бой эканлиги маълум бўлди. Олтиарикдаги шифобахш сув ана шундай аниқланди.

Хайрли ишлар кейинроқ бошланди. 1970 йил фахрийлар учун бу ерда шифохона бунёд этишга киришилди. Мазкур шифохона дастлабки дам олувчиларни 1979 йил қабул қилди. Шундан кейин шифохонани кенгайтириш учун жуда катта ишлар амалга оширилди. Саксонинчи йилларда сиҳатгоҳнинг тўла қувват билан ишга тушиши ва тобора равнақ топа боришида тадбиркор раҳбар Зафар Мингалиевнинг алоҳида ўрни бор. Олижаноб бу инсон узоқ йиллар давомида йўқни ундириб, борини янада юксалтириб, сиҳатгоҳни маҳкам оёққа қўйди.

Зафар Мингалиев вафотидан сўнг унинг ишини Шоҳсанам Мамаризаева давом эттирмоқда. Сиҳатгоҳда ўзлари ҳам, ишлари ҳам чиройли инсонларни кўриб кўнглингиз яйрайди. Оддий фаррош Нодирахон Деҳқонова ўз зиммасидаги вазифаларни шунчалар берилиб бажараётганини кўрган ҳар қандай инсон беихтиёр, балли қизим,деб юбориши аниқ. Мамлакатхон Камолова, Маҳфузахон Аҳмаджонова, Мақсудахон Қурбонова, Насибахон Ҳожиматова каби ўнлаб фидойи ҳамширалар, бош шифокорнинг даволаш бўйича муовини Азизбек Мадаминов, шифокорлар Илҳомжон Қозоқбоев, Илмиддин Қўзиев сингарилар даволанувчилар ишончини оқламоқдалар. Уларнинг дам олувчиларга муомала-муносабатларида қанчалар самимият, юксак меҳр-оқибат борлигини кўриб ҳайратга тушасиз. Мана бир мисол: ҳамшира Олтиной Ҳасанова қарияларни отахону онахон, дея кўнгилларини кўтаради. Маҳмуджон Фозилов эса даволанувчилар ванна қабул қилиб то чиқиб кетгунга қадар улар атрофида астойдил парвона.

«Олтиариқ» сиҳатгоҳини фақат мақташ учун қўлга қалам олганимиз йўқ. Тўғри, бу даргоҳда мақтагулик ишлар кўп, аммо ташвишли томонлар ҳам йўқ эмас. Мазкур сиҳатгоҳнинг келажаги қандай бўлади? Бунга лўнда жавоб айтадиган бўлсак, ҳозирги тадбиркор раҳбарнинг бетиним елиб-югуришлари, кўрсатаётган жонбозликлари туфайли сиҳатгоҳнинг айби ёпилиб келмоқда. Шунингдек, бу даргоҳдаги мевали боғларда ишни тўғри ташкил этиш, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш эвазига дам олувчиларнинг дастурхонлари турли нозне-ъматлар билан тўкин бўлмоқда.

Ҳозирги даврда барча соҳаларда аниқ ҳисоб-китоблар биринчи ўринга кўтарилгани ҳаммага маълум. Ҳайбаракаллачилик билан бирор натижага эришиш мушкул. Лўнда қилиб айтганда, ҳамма нарса маблағга бориб тақалади. У осмондан тушмайди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, сиҳатгоҳдаги ҳаёт тарзининг бора-бора пасайиб кетиш хавфи йўқ эмас. Демак ташвишланишга асос бор. Тўғри, бош шифокор келгусида хайрли тадбирларни рўёбга чиқаришни режалаштирган. Дам олувчилар яшаб турган биноларни даволаниш корпусига қўшиш ва қабулхона атрофини қайта барпо этиш мақсадида қатор қурилишлар қилиш, қум билан даволашни йўлга қўйиш кабилар шулар жумласидандир. Маълумки, уларнинг барига катта маблағлар керак.

Шунинг учун аввало фахрийлар сиҳатгоҳини нафақат сақлаб қолиш, балки доимий равишда равнақ топтириб бориш учун курашаётган фидойилар бор бўлсин. Қолаверса, бу соҳанинг юқори раҳбар ташкилотлари ҳам қараб туришмас. Ахир барчамиз қариймиз, буни ҳеч ким унутмаслиги лозим. Шифобахш сув шарофати туфайли шунча ишлар амалга оширилган экан, бу соҳани янада юксакликка кўтариш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Асад АСИЛ.

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

Жиззах вилоятидаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибида ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи 218 нафар педагог-тарбиячи фаолият кўрсатиб келмоқда. Ғаллаорол туманидаги «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғини туманда энг йирик ҳудуд ҳисобланиб, унинг таркибига 16 та тоғолди қишлоқларида истиқомат қилувчи 4310 оила киради. Аҳолиси 20 минг нафардан ортиқ кишини ташкил этувчи бу ҳудудда педагог-тарбиячининг аҳамияти алоҳида бўлиши шубҳасиз.

Қишлоқ ёшларининг бўш вақтлари мазмунли ва қизиқарли ўтишига педагог-тарбиячи Эсиргап Қорабеков жон куйдириб келмоқда. У кўп йиллар мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинида котиблик қилди. Асли касби ўқитувчи бўлганлиги боис унга бу янги вазифани ишониб топширишди. Э.Қорабеков ишни аввало ўзига бириктирилган ҳудудда вояга етмаган болаларнинг бўш вақтни кўнгилли ўтказишларини таъминлашдан бошлади. Бунинг учун елиб-югурди, маҳаллий раҳбарлар билан ўзаро тил топишиб, ишнинг олға силжишига эришди.

Ҳудудда 9 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 4524 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўтган ўқув йилида IX-синфни 365 нафар ўқувчи битириб, улардан 291 нафари касб-ҳунар ва умумтаълим мактабларида ўқишни давом эттиришаяпти.

Ҳеч жойда ишламасдан ва ўқимай юрган 36 нафар ўсмирни бирор машғулот ёки иш билан банд этиш муаммо бўлиб турарди. Педагог-тарбиячи Э.Қорабековнинг саъй-ҳаракати туфайли уларнинг тўрт нафари қишлоқ тадбиркорлари кўмагида доимий иш билан таъминланди, 6 нафари туман меҳнат ярмаркаси орқали ишли бўлди.

– Асосий эътибор ёшларнинг жиноятчилик оламига, хусусан турли хил диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари олдини олишга қаратилган. – дейди Э.Қорабеков. – Бунда милиция таянч пункти профилактика нозирлари, кенг жамоатчиликка таяниб ишлаяпмиз.

Туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тарғибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда режага кўра ҳар бир мактабда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мавзуида йиғилишлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбир яқинда Бахмалсой қишлоғидаги 63-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги вакили А.Баратова, прокурор ёрдамчиси А.Асроров иштирок этиб, мазмунли чиқиш қилдилар. Мактаб раҳбари А.Ражабов, қишлоқ оқсоқоли А.Бўроновлар ўзларининг ҳаёт тажрибаларидан сўзлаб беришди.

Биз юқорида «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди кенглиги, аҳоли сони кўплиги ҳақида тўхталган эдик. Республика «Маҳалла» жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Педагог-тарбиячилар фаолияти тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, камида 500 та оила яшайдиган ҳудудда педагог-тарбиячи лавозими жорий этилиши белгилаб қўйилган. Шу боис мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинида биттагина педагог-тарбиячи фаолият юритиши бизнингча, адолатли бўлмас.

Мулоҳазаларимиз ҳақида Ғаллаорол туман ҳокимлиги, вилоят «Маҳалла» жамғармаси мутасаддилари ўйлаб кўрсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Эътибор

ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Университет талабалар касаба уюшма қўмитаси асосий эътиборни талабаларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга қаратяпти. Маънавият ва маърифат, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича турли тадбирлар ўтказиш ҳам доимий диққат марказимизда. Шу муносабат билан факультетлараро «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ўтказилди. «Фарзона» гуруҳи республика кўрик-танловида фахрли ўринни эгаллади. Бундан ташқари олий ўқув юртлари ўртасида ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўрик-танловида ҳам фаол иштирок этиб келмоқдамиз.

Талабаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш ҳамда кўнгилли дам олдириш университет ректорати ва талабалар касаба уюшма қўмитасининг асосий вазифасига айланган. Бу масалалар жамоа шартномаси орқали ҳал этилмоқда. Унга асосан ўтган йили 502 нафар талабага моддий ёрдам тариқасида 4 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Аълочи ҳамда иқтидорли 122 нафар талабага эса 397 минг сўм мукофот пули берилди. Фаол талабалардан 120 нафари 15 хил газета ва журналларга бепул обуна этилди.

Бундан ташқари, талабаларга таълим ва фан ходимлари вилоят қўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар, дам олиш ва даволаниш масканларига имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. 500 нафардан ортиқ иқтидорли талабаларга Тошкент, Бухоро, Хива, Самарқанд шаҳарларига бепул саёҳатлар уюштирилди.

Кам таъминланган иқтидорли талабалар учун махсус стипендия жорий қилинди. Ёшларнинг турли диний экстремистик оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар, ички ишлар органлари ходимлари билан ҳамкорликда доимий равишда савол-жавоб кечалари, мунозаралар ўтказиб турилибди.

Талабаларни соғломлаштириш ва дам олдиришга алоҳида эътибор берилган. Ўтган йилнинг ўзида 187 нафар талаба санаторий-профилакторийда соғломлаштирилди, 400 нафардан зиёд талаба оромгоҳда дам олдирилди.

Ҳозирги кунда кам таъминланган, оилали, қаровчисини йўқотган талабаларнинг моддий аҳволи тўлиқ ўрганилиб чиқилди. Уларга «Наврўз» байрами арафасида моддий ва маънавий ёрдам берилди.

Хулоса қилиб айтганда, университет жамоаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Шариф БОБОЖОНОВ,
Қарши Давлат университети талабалар касаба уюшмаси қўмитаси раиси.

Шарҳловчи минбари

Халқаро коалициянинг ҳарбий ҳаракатлари муваффақиятли кечаётганига қарамай, расмий Вашингтон Саддам Ҳусайн тузуми устидан тўла ғалабага эришилди, дейишга ҳали эрталигини таъкидламоқда. Ироқ ҳудудининг қарийб 60 фоизи коалиция кучлари томонидан назорат қилинаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда қаршилик кўрсатиш давом этяпти.

ТЎЛА ҒАЛАБА ЯҚИН

Пойтахт Бағдодда эса коалиция кучлари шаҳарнинг муҳим стратегик нуқталарини назоратга олган. Шаҳарга кириш ва чиқиш жойларида ҳарбий истеҳкомлар ўрнатилди. АҚШнинг Бағдоддаги ҳарбий қисмларига шаҳарда талон-тарожга йўл қўймасликка буйруқ берилди. Ҳокимиятсизликдан фойдаланган маҳаллий аҳоли ҳукумат биноларини таламоқда. Иккинчи йирик шаҳар Басрада ҳам аҳвол шундай.

Халқаро коалиция Ироқ шимолида ҳам ҳарбий муваффақиятларга эришмоқда. Ироқ аскарлари мамлакатнинг йирик шаҳарларини бирин-кетин жангсиз тарк этаётир. Шу кунгача гвардиячилар эгаллаб турган Масул шаҳри жума куни АҚШ қўшинлари назоратига ўтди. Сўнгги хабарларга қараганда, коалиция кучлари ҳамда курд ҳарбий гуруҳлари шаҳарда тўла назорат ўрнатган. Мазкур шаҳарни мудофаа қилаётган Ироқ армиясининг бешинчи корпуси тўла таркибда АҚШ армиясига жангсиз таслим бўлган.

Масул Ироқнинг энг муҳим саноат марказларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, у Саддам Ҳусайн туғилган Тикрит шаҳрига йўл очади.

Ироқ нефт саноатининг маркази ҳисобланган Киркук шаҳри ҳам курд ҳарбийлари томонидан эгалланди.

Ҳарбий ҳаракатлар қанчалик муваффақиятли бўлмасин, халқаро коалициянинг асосий нишонига айланган Саддам Ҳусайн ва яқинларининг тақдири жумбоқлигича қолаётир. АҚШ махсус хизмати вакиллари унинг изсиз йўқолганини таъкидламоқда. Тахминларга кўра, Ироқ раҳбариятининг айрим аъзолари Тикритга қочиб яширинган.

Сурия чегараси яқинида ҳам қаттиқ жанглар кечаётир. Бу ерда гвардиячилар Ироқ ҳукумати аъзоларининг Сурияга қочиб кетишини таъминлаётган бўлиши мумкин, деган тахмин мавжуд.

Ҳарбий ҳаракатлар якунланаётган сари Ироқнинг янги ҳукуматини шакллантириш, мамлакатда демократик тамойилларга асосланган жамият барпо қилиш, иқтисодиётни тиклаш долзарб масалага айланмоқда.

Бироқ Пентагон раҳбари Доналд Рамсфелднинг фикрича, ҳозир энг муҳими Ироқни иқтисодий эмас, балки сиёсий томондан тиклашдир. У журналистлар билан учрашувда, ироқликларга оммавий қирғин қуролига эга бўлмайдиган ва қўшни давлатларга таҳдид солмайдиган ҳукуматни тезроқ шакллантириб олишда ёрдам бериш керак, деди. Пентагон раҳбарининг таъкидлашича, Ироқ иқтисодиётини тиклаш узоққа чўзилмайди. Чунки, кўприклар деярли вайрон қилинмаган, нефт қудуқлари ёқиб юборилмаган, электр таъминоти ҳам кўп зарарланмаган. Тўғонлар ҳам бузилмаган. Ироқнинг ҳарбий иншоотларигина тўла вайрон бўлган, холос. Бироқ уларни тиклашга зарурат йўқ. Шу боис Ироқни тиклашда сиёсий омиллар биринчи ўринга чиқмоқда.

Саддам Ҳусайннинг хорижий банкларда яширилган маблағларини Ироқ иқтисодиётига жалб этиш масаласи ҳам кун тартибига чиққан. Яқинда АҚШ ҳукумати Саддам Ҳусайннинг бир миллиард икки юз миллион долларга яқин маблағини топганини эълон қилди. Бир ой аввал ҳам Саддам Ҳусайннинг хорижий банкларда бир миллиард етти юз миллион АҚШ долларига тенг маблағи топилган эди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

НЕФТ НАРХИ ПАСАЙМОҚДА

Ироқ воқеалари туфайли жаҳон нефт бозори ҳамон беқарор. Куни кеча «қора олтин» нархи яна тушиб кетди. Мутахассисларнинг фикрича, бунга сабаб жаҳон бозорига чиқадиган кунлик нефт миқдорининг ҳаддан ташқари кўпайганидир.

Яқинда Парижда бўлиб ўтган халқаро анжуманда нефт муаммоси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Унда нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) аъзолари ва дунёнинг йирик нефт компанияларидан вакиллар қатнашди.

Қатар сув заҳиралари ва энергетика вазири Абдулла бин Ҳамид ал-Атийя журналистларга интервью берар экан, ОПЕК аъзолари жаҳон бозорига чиқарилаётган кунлик нефт миқдорини камайтирсагина барқарорлик таъминланиши мумкин, деди. Тахминларга кўра, ҳозир бозорга 2 миллион баррелга яқин ортиқча нефт чиқарилаётир.

Жазоир энергетика вазири Шакиб Ҳалил эса, ОПЕК бозорга чиқараётган кунлик нефт миқдорини 24,98 миллион баррелдик кўрсаткичда ушлаб турмаса, нарх 20 долларга тенглашиб қолиши мумкинлигини айтди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси берган хабарда айтилишича, шу кеча-кундузда бир баррел «қора олтин»нинг баҳоси Нью-Йорк биржасида 27,46 АҚШ долларига тенглашиб қолган. Лондон биржасида нарх бундан-да паст.

Анжуман иштирокчилари Ироқ масаласи хусусида ҳам фикр алмашди. ОПЕК раҳбари Алваро Силва Калдерон тузилмага Ироқнинг аъзолиги сақланиб қолиши тўғрисида баёнот берди. Фақат у ҳам нефт экспортини белгиланган миқдордан оширмаслиги лозим.

Маълумотларга кўра, АҚШ қўшинлари ва ҳарбийлашган курд гуруҳлари Ироқ шимолида жойлашган нефтга бой шаҳарлардан бири -Киркукдаги конларни ўз назоратига олган. АҚШ армияси муҳандислар гуруҳи зобити Майкл Морроу журналистларга, биз кунлик нефт қазиб чиқаришни 800 минг баррелга етказиш ниятидамиз, деган. Унинг фикрича, нефт экспорти мамлакатда ўтиш ҳукумати тузилгандан сўнг яна давом этади. Бу жаҳон бозорида барқарорлик ўрнатишга шароит яратади. Чунки Ироқ нефтининг сифати анча яхши.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

«Олой универсал бозори» ОАЖ маълум қилади:

«Олой универсал бозори» очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси 2003 йил 15 март куни Юнусобод туман ҳокимиятида ўтказилди.

Умумий мажлисда 40 та акциядор 26412 та овоз билан қатнашди.

Кворум 85,5% ни ташкил этди.

Овоз бериш қутиси очилганда, кун тартибидаги масалалар бўйича 38 та бюллетень 26403 та овоз билан қатнашаётганлиги маълум бўлди.

Умумий мажлис кун тартиби натижалари:

1. «Олой универсал бозори» ОАЖ нинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқарув раиси ҳисоботи 26403 та овоз билан тасдиқланди.

2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси 26403 та овоз билан тасдиқланди.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 26403 та овоз билан тасдиқланди.

4. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси 26403 та овоз билан тасдиқланди.

5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидентлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби 26403 та овоз билан тасдиқланди.

6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 26403 та овоз билан тасдиқланди.

7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб «Гарант Аудит» МЧЖ фирмаси 26403 та овоз билан тасдиқланди.

8. Жамият Кузатув Кенгаши таркиби 26403 та овоз билан тасдиқланди.

8.1. Ф.Нуралиев, Ф.Тўлаганов, Л.Садуллаев, Б.Маназаров ва М.Шомаҳмудовалар Кузатув Кенгаши аъзолигидан чиқарилди.

8.2. А.Кайрлапов, Х.Тошпўлатов ва Д.Одиловлар жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига киритилди.

9. Тафтиш комиссияси таркиби 26403 та овоз билан тасдиқланди.

9.1. И.Спицина жамият Тафтиш комиссияси аъзолигидан чиқарилди.

9.2. Ш.Юлдашева жамият Тафтиш комиссияси аъзолигидан киритилди.

10. Жамият бошқарув раиси этиб бир йил муддатга Равшан Курганович Аслонов 26403 та овоз билан сайланди.

11. Жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес план) 26403 та овоз билан тасдиқланди.

12. Жамиятнинг Низом жамғармасини 20057,7 минг сўмга ошириш 26403 та овоз билан тасдиқланди.

12.1 Акцияларнинг шаҳар ҳокимлигида 51% - 25958 дона, эркин савдода 45% - 22905 дона, меҳнат жамоаси 4% - 2036 дона тақсимланиши инобатга олинсин.

13. Жамиятнинг Низом жамғармасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар 26403 та овоз билан тасдиқланди.

Кузатув Кенгаши.

ҚУЁШ НУРИДАН ЭЛЕКТР ТОКИ

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида Ўзбекистонда қуёш нурларидан фойдаланиш лойиҳасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Жойлашиш ўрнига кўра Ўзбекистон қуёш нурига бой бўлган ҳудуд ҳисобланади. Германиялик мутахассисларнинг фикрича, бу ҳудудда қуёш нуридан олинган электр токи халқ ва қишлоқ хўжалигида анча самара бериши мумкин. Бу ўз ўзидан бўлмайди, бунинг учун махсус ускуналар керак. Айни шу йўналишда иш олиб бораётган германиялик мутахассислар юртимизда қуёш нуридан электр токи олишга мўлжалланган ускуналар ўрнатиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқди.

Тадбирда сўзга чиққан хорижий мутахассислар бу тизим ҳозирги пайтда Африка, Ҳиндистон, Таиланд, Филлипин давлатлари ҳамда Америкада қўлланилаётганлиги ва бу иқтисодиётга катта фойда келтиришини таъкидлашди.

Мутахассислар мамлакатимиздаги ишларни маҳаллалардан бошлашди. Улар ўн кун давомида вилоятлардаги маҳаллаларда бўлиб шароитни ўрганишди. Жумладан, Самарқанд вилояти Нуробод тумани ва Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги қатор маҳаллаларда ускуналарни ўрнатиш яхши самара беришини қайд этишди.

Журналистларнинг қуёш нуридан олинган электр токидан фойдаланиш иқтисодиёт учун қанчалик наф келтириши, лойиҳа ҳақидаги бошқа саволларига германиялик мутахассислар жавоб беришди.



ТУРОНЗАМИН

Ҳаваскор ён дафтаридан

Соҳибқирон ботирлари зафар қучиб кезган юрт,
Имомлари ҳадис тўплаб зарномалар тузган юрт,
Термизийдек боболари солномалар ёзган юрт,
Улуғбеги юлдузларни бир жадвалга тизган юрт,
Аждодларим хоки пойи Буюк Ипак йўлимдир,
Туронзамин – Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Нил дарёда иншоотлар – Фарғонийдан эсдалик,
Бухорода камол топди қутлуғ хати насталиқ,
Ибн Сино даҳосидан чекинди кўп хасталик,
Берунийнинг ҳисоби-ла ер ҳам камарбасталик,
Бу ўлканинг фарзандлари доно, кони билимдир,
Туронзамин – Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Истиқлолга эришди ҳам-қўшилди олий сафга,
Сарҳадлари тўлиқ эрур олтин, инжу, садафга,
Пахтасининг донги кетган етти иқлим тарафга,
Оллоҳ насиб этди бизни шундай улуғ шарафга,
Юртбошиси адолатли, халқи ҳушёр элимдир,
Туронзамин – Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Шаҳарларин обод айлаб, келинчакдек безатган,
Ноз-неъматни сероб этиб, дастурхонин тузатган,
Дўстларини тўйга чорлаб, гулдасталар узатган,
«Марҳабо» деб меҳмон кутиб, «оқ йўл» тилаб кузатган,
Навоийдан мерос бўлган ўзбекона тилимдир,
Туронзамин – Она-диёр, жаннат каби сўлимдир.

Парвардигор қудратини яна қилди намоён,
Бул гўшага назар солди, сақлади дорул омон,
Қайтиб келди шонли тарих, қайтди эркинлик, иймон,
Шу заминга шому саҳар таъзимда бўл, Сулаймон,
Ўтмиши ҳам келажаги менинг жону дилимдир,
Туронзамин – Она-диёр жаннат каби сўлимдир.

Сулаймон ҚЎЗИЕВ.

ҲИКМАТЛАР

Мен ҳаракат қилмоғим шарт. Менинг ҳар куним мангуликни яратишда бўлсин серунум.

М.ЛЕРМОНТОВ.

Ҳаётнинг ўлчови умр узунлигида эмас, сиз ундан қандай фойдалана олганингиздадир.

М.МОНТЕНЬ.

Ҳаётнинг маънисига тушунмайдиган кишиларнинг ҳолига вой.

Б.ПАСКАЛЬ.

Одам содда кўрингани билан бирор фалокат юз берса, каттами-кичикми, унда улуғ куч – инсоний гўзаллик намоён бўлади.

Л.ТОЛСТОЙ.

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.

Умар ХАЙЁМ.

Виждондан бўлак ҳамма нарсани сув билан ювиб ташлаш мумкин.

Грузин мақоли.

«СУРХОН»НИНГ СЕЗАРЛАРИ

Икки томонлама тузилган шартномага мувофиқ Бразилиядан келган футболчилар: ҳужумчи Хулио Сезар Калисто ва ярим ҳимоячи Сильвио Сезар Гавиолли «Сурхон» футбол жамоаси таркибида майдонга тушади. Улар шу пайтга қадар Бразилия олий дивизионидаги Сан Пауло клубида тўп суришган. Шартномага кўра, хорижлик футболчилар ҳам «Сурхон» жамоаси таркиби билан деярлик тенг шарт-шароитда фаолият кўрсатади.

Хўш, футбол олами қироли бўлган олис мамлакат футболчиларини бундай сафарга нима етаклади? Гап шундаки, мамлакатимиз футбол клубларига кўплаб иқтидорли футболчиларни етказиб берган «Сурхон» футбол клуби кейинги йилларда анча оқсаб қолди. Йилдан-йилга турнир жадвалининг пастки поғоналарига тушиб бораётган жамоада раҳбарлар, мураббийлар, ўйинчилар тез-тез алмашадиган бўлиб қолди. Интизом сусайди. Табийки, бу мухлисларни қаттиқ ранжита бошлади. Сурхондарё вилояти раҳбарияти жамоадаги аҳволни тубдан яхшилаш, жамоани илғорлар қаторига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни тарбиялаш каби қатор чора-тадбирлар қўллашга киришди. Шунинг учун ҳам узоқ Бразилиядан бир неча футбол усталарини таклиф этишди.

Термизда миллий кураш бўйича Республика Президенти соврини учун буюк аллома Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий 6-халқаро кураш турнири ўтаётган кунлари «Сурхон» футбол жамоаси таркибида икки нафар бразилиялик футболчи ўйнаши эълон қилинди. Маълум бўлишича, вилоят раҳбарларининг сўровига биноан Халқаро Кураш Ассоциацияси раҳбарияти Бразилия спорти мутасаддилари билан музокарага киришиб, «Сурхон» футбол клуби таркибида ўйнаш истаги бўлган футболчиларни шартнома асосида қабул қилишни билдиришган. Юқорида номлари зикр этилган футболчилар ўз хоҳишлари билан «Сурхон» таркибида ўйнашга розилик билдирган.

(ЎзА).

Биласизми?

АВТОМОБИЛ ТАРИХИДАН

1668 йилда бельгиялик монах Фердинанд Вербье томонидан ясалган, буғ ёрдамида юрадиган машина тарихдаги энг биринчи автомобил ҳисобланади.Бунда унга муҳандис Жованни Бранк яқиндан ёрдам берган.

Гап шундаки, 1629 йилда чоп этилган буғ турбиналари тўғрисидаги Бранк рисоласида эрамиздан аввалги VIII асрда Хитой кўчаларини чангитиб юрган «оташ аравалар» ҳақида ҳикоя қилинган. Ф.Вербье ўз машинасининг ғоясини ана шу «аравалар»дан олган эди.

* * *

Ҳозирги кунгача сақланиб қолган энг кўҳна автомобил Париж музейларидан бирида сақланади. Аслини олганда бу машина эмас, балки ҳарбий юришларга мўлжалланган, 1771 йилда Никола-Жозеф Кюнью чизмалари асосида ясалган ҳамда буғ ёрдамида ҳаракатланадиган трактордир.

* * *

Биринчи йўловчи ташиш автомобили инглиз Ричард Тревитик томонидан яратилган. Бу саккиз ўринли машина 1801 йилнинг декабрида илк бор юргизилган эди.

* * *

Биринчи ички ёниш двигатели бўлган автомобил эса 1826 йили май ойида Англияда «дунёга келган». Унинг ихтирочиси муҳандис Самюэл Браун бўлди.

* * *

Биринчи автомобил рақамлари 1893 йилда Париж шаҳрида жорий қилинган.

Изоҳга ҳожат йўқ...



Рассом Б.ТОЖИЕВ.

АЙЛАНМА КРОССВОРД



Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Амир Темур падари бузрукворининг исми (2). 2.Буюк Соҳибқирон аждодлари мансуб бўлган уруғ. (5). 3.Атоқли ўзбек файласуфи, Амир Темур фаолияти тадқиқотчиси. (4). 4.Улуғ зотнинг катта ўғли. 5.Шаҳрисабзда бунёд этилган меъморий обида. 6.Амир Темур давлати девони жойлашган Самарқанддаги кошона. 7.Кастилиядан ташриф буюриб, буюк ҳукмдор қабулида бўлган элчи. 8.Ўша даврда ўтказилган ҳарбий кенгаш. 9.Амир Темур пир сифатида тан олиб мақбара қурдирган, Туркистон мулкининг шайхул-машойихи. (3). 10.Соҳибқироннинг биринчи набираси Мирзо Улуғбек таваллуд топган шаҳар (4). 11.Қадимда алоҳида хизматлар эвазига давлат ҳукмдори томонидан иньом қилинган ер-мулк. 12.Соҳибқирон ҳузурида бўлган сарбадорлар йўлбошчиси Али Муайядга қайтариб берилган Хуросон шаҳри. 13.Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига оид нодир асар ёзиб қолдирган XIV-XV аср муаррихи. 14.1383 йил Шоҳ Қутбиддин исёни бостирилиб, забт этилган Сеистондаги шаҳар. 15.Хон куёви маъносини англатувчи, Амир Темурга берилган ном. 16.Абдулла Орипов қаламига мансуб «Соҳибқирон» тарихий драмаси қаҳрамони. (3). 17.Тарихчи адиб Абу Тоҳирхўжа Самарқандий ёзиб қолдирган асар.(1).18.Соҳибқирон ҳукмдорлиги даврида Самарқандда яшаган шерозлик файласуф шоир ва олим. 19.Бадахшондан Ҳиндикушгача бўлган ерларни ўз ичига олган ҳудуд (3).20.Амударёнинг юқори оқимидаги соҳилларда жойлашган тоғли вилоят.(4). 21.Амир Темур сиймосини театр саҳнасида гавдалантирган Ўзбекистон халқ артисти.(4).22.Буюк Соҳибқироннинг пирларидан бири бўлган шайх.(1).

Энди шакл атрофидаги рақамларни жавобларнинг сўзлар тарифидан сўнг қавс ичидаги рақам тартибидаги ҳарфлар билан алмаштириб топширинни ҳал этинг. Бунда улардан соат мили йўналишида ўқиш билан Амир Темур давлати тамғасининг нақшин ёзувидаги сўзларни билиб оласиз.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1.Амир Темур ҳикматидан: «Адоват эмас, – 2,7,9,3,2,8 енгади.

2.«Адлу эҳсон билан жаҳон – 12,5,3,11,2,10,1. Обод бўлади.»

3.Амир Темур билган тиллардан бири – 14,9,6,15.

4.Амирларнинг хос йигитлари – 10,2,16,1,2,6.

5.Рум ва Юнон ҳукмдорларига берилган ном 4,2,17,15,2,6.

Шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларни жавоб сўзларидаги ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан буюк Соҳибқирон ёзиб қолдирган ибратли сўзлар аён бўлади.

Ф.ОРИПОВ тузди.

Ранг-баранг олам

ЭНГ КЕКСА ТАШКИЛОТЛАР

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «Қулликка қарши» халқаро ташкилотига 1839 йили асос солинган эди. Шунингдек, Британия ва хориждаги қулликка қаршилар жамияти ҳам кекса халқаро ташкилотлардан ҳисобланади.

Бу ташкилотлар бутун дунё бўйича мажбурий меҳнат шаклларига ва кишиларни эксплуатация қилишга қарши курашиб келмоқда.

ИРОДАЛИ НОГИРОН

Қийинчиликларни сабот билан енгиб ўтувчи иродали кишилар ҳаётда кўп учрайди. 1973 йили автомобил ҳалокати туфайли ногирон бўлиб қолган канадалик Рик Хансон ҳам тақдирга тан бериб, уйда қамалиб ўтиришни ўзига эп кўрмади.

У 1985 йилнинг 21 мартидан 1987 йилнинг 22 майигача 34 шаҳарни ногиронлар аравачасида босиб ўтди.

Бу саёҳат 40075 километр масофага чўзилди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Менинг нафсим балодир...

«ҒАЛАТИ САВДО»

Фельетон

Бундан ўттиз-қирқ йил илгари «Бу телба дунё» деган ғарб киноси роса оммалашган эди. Унинг қаҳрамонлари текин пул топиш учун ўзларини ўтга-чўққа уришар, инсоний фазилатларга зид нимаинки қинғирлик ва найрангбозликлар бўлса, шуғулланишдан ор қилишмасди. Мақоламиз «қаҳрамонлари»нинг хатти-ҳаракатларини ўрганар эканмиз, беихтиёр ана шу фильм эсга тушди. Йўқса, жамоа ва ширкат хўжаликлари, бошқачасига айтганда, кўпчилик ихтиёридаги, ҳосилидан эл-юрт манфаат кўраётган экин майдонларини енг ичида сотиш орқали мўмай даромад топишга уринган кимсаларни кимга ўхшатиш мумкин?

Аслида, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида туғилган, сўнгги йилларда Фарғона вилоятининг Бувайда туманидаги Бештерак қишлоғида яшаб келган, кейинги бир неча йил ичида Мингбулоқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигининг 3-бўлим бошлиғи вазифасида ишлаб келган Ваҳобжон Мирзалиевнинг жиноятлари билан танишар эканмиз, беихтиёр турли саволлар бошингизда айланади. Хўш, Ваҳобжонга нима етмайди? Кўпчилик ҳавас қиладиган оиласи, уй-жойи, илон оғзидан чиққандек ялтираган автомобили бор. Ҳар йили хоҳлаганича қовун-тарвуз, дон ёки бошқа экин туридан деҳқончилик қилиб келяпти. Мол-қўйи етарлик.

Хўш, Ваҳобжон зиммасидаги вазифасини бажариб олаётган маошига-ю, деҳқончилик ва чорвачиликдан келаётган даромадларига қаноат қилиб юрса бўлмасмиди? Афсусларким, айрим кишилар борига қаноат қилмайди.Шу сингари у ҳам текин даромад топишнинг турли йўлларини излай бошлади. Шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, 2002 йилнинг 3 июн куни фуқаро Мўминжон Арслонов уйи эшигини тақиллатиб келди.

– Хизмат? - сўради Ваҳобжон салом-аликдан сўнг.

– Гапнинг пўсткалласи, менга ер керак, - деди меҳмон мақсадини баён қилиб. – Деҳқончилик қилмоқчиман.

— Ҳозир ер масалалари анча қийин бўлиб қолди, - деди мезбон осонгина ён бергиси келмасдан,– юқоридан назорат жуда кучайтириб юборилди. Ҳар қарич ер ҳисобда.

Мўминжон яқинроқ сурилди ва очиқчасига кўчди.

– Жон ака, гап ўртамизда қолади. Қуруққа эмас. Рози қиламан.

В.Мирзалиев оғир вазнига тушгандек ўйланиб қолди.

– Мени қийин аҳволга солдингиз, ука, йўқ, десам хафа бўласиз, - деди оғир тин олиб. – Майли, сазангиз ўлмасин. Катталар билан гаплашиб кўраман. Лекин сиз укамдек бўлиб қолганингиз учун яширмайман. Анча пул туради. Хўш, сизга қанча ер керак?

– Камида 2 гектар!

– Майли, сиз мард йигитсиз, мен ҳам мардлик қилиб очиқчасига айта қолай. Маккажўхори экиладиган яхши майдон бор. Ўшандан ажратиб бераман. Эртага шу вақтда 300 минг келтирасиз. Қолганини кейинроқ бўлса ҳам майли!

Бу гапни эшитган Мўминжоннинг боши қотди. Бу одам эсини еганми ўзи? У ҳам анойи эмас. Билади маккажўхори экиладиган майдоннинг ҳар гектаридан ортиғи билан 50 минг сўмдан даромад олиш режалаштирилади. 400 минг сўм сўраяпти-я! Ўғри бўл, инсоф билан бўл. Бу эса тўрт баробардан ҳам ортиқ-ку?

Ниҳоят М.Арслонов тегишли давлат идораларига бориб учрашишга мажбур бўлди.

Ўрик-ўрикни кўриб сарғаяди, дейишади. Албатта, одам мева эмас. Лекин айрим жойларда юқорида таъкидланганидек, баъзи қаллоблар томонидан экин майдонлари олди-сотдиси авжга чиқаётганлиги кишини хавотирлантирмасдан қўймайди. Тўрақўрғон туманининг «Ғайрат» ширкат хўжалигида юз берган ушбу ҳолат ҳам шулар жумласига киради. Хўжаликда бош ҳосилот лавозимини эгаллаган Тўлқин Носиров ҳам бош назоратчи Шаҳобиддин Ҳайдаров билан тил бириктириб, бир гектар ер сўраган Садриддин Қаландаров ва Зокир Худойбердиевлардан 300 минг сўм пул талаб қилишади. Табиийки, аввало бунча пул ердан олинадиган фойдага нисбатан анча кўп эди. Шу боисдан ер олмоқчи бўлганлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга мурожаат қилишди. Текин даромад ишқибозлари эса жиноят устида тумшуқларидан илиндилар.

Кези келганидан фойдаланиб айтмоқчимизки, текин пул топишга, ҳаромхўрликка интилиш ҳеч кимга ва ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Ҳаром ҳеч қачон юк бўлмаганидек, қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам барибир очилади.

Т.КАРИМОВ, Наманган вилояти прокуратураси катта терговчиси, адлия маслаҳатчиси.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Рустам Шоғуломовга қизи **ЭЛЬВИРАХОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17603 Буюртма Г— 284. 1 2 3 4 5 6